

---

## Ҳурматли юртдошлар!

Барчамизга яхши маълумки, Республика махсус комиссиясининг баёноти билан бу йилги Янги йил байрами тадбирларини оила даврасида ўтказиш тавсия этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Давлатимиз раҳбари ва ҳукуратимиз томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда, шу жумладан, Фарғона вилоятида ҳам коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолати камайиб, вазият барқарорлашган бўлса-да, эпидемия ҳали тугагани йўқ.

Шу боис Республика махсус комиссиясининг тавсияларига амал қилган ҳолда Янги йил байрамини оилангиз даврасида ўтказишингизни маслаҳат бераман.

Байрам кунлари қуйидаги шахсий-гигиена қоидаларига қатъий амал қилишингизни сўрайман: Биринчидан, агар зарурат бўлмаса, уйингиздан ташқарига умуман чиқманг. Байрам дастурхонига маҳсулот харид қилиш учун кўчага чиққанингизда, албатта, тиббий ниқоб тақишингиз ва одамлар билан 2 метрдан кам бўлмаган масофада мулоқот қилишингиз керак. Тиббий ниқоб ва оралиқ масофа сизни вируслардан асрайди.

Иккинчидан, қаерда бўлишингиздан қатъий назар, юз ва қўлларни тез-тез ва оқар сувда совунлаб ювинг, дезинфекцияловчи суюқликлардан фойдаланинг, кўзингизни қўлингиз билан асло ишқаламанг.

- Йўталсангиз, аксирсангиз оғизни дастрўмол, салфетка билан ёпинг.

- Шамоллаш ёки грипп аломатлари бор инсонлардан энг камида 2 метргача яқинлашманг, улар билан бир хонада бўлманг.

- Байрам кунлари янги узилган сабзавотлар, кўкатлар, меваларни ювиб, кўпроқ истеъмол қилинг.

Бу сизнинг иммун тизимингизни мустаҳкамлайди.

- Агар ўзингизда қуруқ йўтал, томоқ оғриғи, нафас қисиши ва иситма кузатилса, ўтиб кетади, деб бепарво бўлмай, зудлик билан оилавий шифокорга мурожаат қилинг!

Юқоридаги тавсияларга амал қилиб, байрамни ўз оилангиз бағрида, шоду ҳуррамликда ўтказинг! Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

2020-12-28 20:18:58